

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2022 йил декабрь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида бўлиб,

Раислик қилувчи: Х.Холиқов,

судья ёрдамчиси П.Джўраевнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона туман прокурори Б.Бобоқулов, судланувчи И.Абдусаломовнинг ҳимоячиси - адвокат О.Мелибоевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан Абдусаломов Искандар Абдурахмон ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1502-2201/593-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Абдусаломов Искандар Абдурахмон ўғли, 1994 йил 28 февраль куни Фарғона шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, бўйдоқ, ишламайди, муқаддам судланмаган, Фарғона тумани, Қўриқ МФЙ, Узумчи кўчаси, рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича 2022 йил 18 май куни сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2022 йил 30 июнь куни қидирувдан ушланган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 31 октябрь куни олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят ишидаги далилларни ҳар томонлама, атрофлича, тўла ҳолисона текшириб чиқиб ва баҳолаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи И.Абдусаломов бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, фирибгарлик, яъни алдаш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этган:

-яъни у, Қирғизистон Республикасида яшовчи “Баходир” ва “Шохруҳ” исмли шахслар (жиноят ишининг уларга нисбатан қисми алоҳида иш юритувига ажратилган) билан бир гуруҳ бўлиб олдиндан тил бириктириб, ўзганинг мулкини алдаш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил ноябрь ойида маҳалладоши Ғ.Кўшақовнинг ишончига кириб, унга келгусида Қирғизистон Республикасидан арзон нархда автомашина олиб келиб беришини ёлғондан айтиб, уни алдаб, унинг 1.200 АҚШ доллари миқдоридagi пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, Ғ.Кўшақовга автомашина олиб келиб бермасдан, ундан олган пулларни эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Судланувчи И.Абдусаломов судда, айбига иқроп бўлиб, ҳақиқатдан ҳам, Қирғизистон Республикасида яшовчи “Баходир” ва “Шохруҳ” исмли танишлари билан Қирғизистондан Республикасидан арзон нархларда автомашина олиб келиб сотиш ҳақида келишиб, 2020 йил ноябрь ойида маҳалладоши Ғ.Кўшақовнинг ишончига кириб, унга келгусида Қирғизистон Республикасидан арзон нархда автомашина олиб келиб беришини ёлғондан



айтиб, уни алдаб, унинг 1.200 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, Ғ.Қўшақовга автомашина олиб келиб бермасдан, ундан олган пулларни эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жабрланувчи Ғ.Қўшақовга етказилган моддий зарар унинг оила аъзолари томонидан тўлиқ қоплаганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, қонун доирасида енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Ғ.Қўшақов судда, 2020 йил ноябрь ойида маҳалладоши И.Абдусаломов унинг ишончига кириб, унга келгусида Қирғизистон Республикасидан арзон нарҳда автомашина олиб келиб беришини ёлғондан айтиб, уни алдаб, унинг 1.200 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, И.Абдусаломов унга автомашина олиб келиб бермасдан, ундан олган пулларни ўзининг эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юбориб, унинг пулларини ҳам қайтиб бермасдан келганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирда унга етказилган моддий зарар И.Абдусаломовнинг оила аъзолари томонидан тўли қопланганини, судланувчи И.Абдусаломовга даъвоси йўқлигини билдириб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Шунингдек судланувчи И.Абдусаломовнинг айби: юзлаштириш баённомалари билан (57-65 и.в.), гувоҳ С.Рахмоналиев, Р.Носиров ва М.Фозиловларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари билан (22-31, 66-69 и.в.) ҳам тасдиқланган.

Суд, судланувчи И.Абдусаломовнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Абдусаломовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 4-бандида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасдан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши, фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти тааллуқли бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасида “Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Агар ушбу Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади”-деб, кўрсатилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи И.Абдусаломов бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб,



фирибгарлик, яъни алдаш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этган:

-яъни у, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, ўзганинг мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил ноябрь ойида маҳалладоши Ғ.Қўшақовнинг ишончига кириб, унга келгусида Қирғизистон Республикасидан арзон нархда автомашина олиб келиб беришини ёлғондан айтиб, уни алдаб, унинг 1.200 АҚШ доллари миқдоридagi пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандидаги жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керакли ҳақида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 26-бандида ва ЖК 168-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этиши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги қайд этилган Олий суд Пленуми қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, судланувчи И.Абдусаломовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда айбига иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жабрланувчига етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ва жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жиноятни ғаразли ниятда содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, иш бўйича жабрланувчи Ғ.Қўшақовга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини эътиборга олишни лозим топади.

Бундан ташқари, суд, иш бўйича судланувчи И.Абдусаломовни Россия Федерациясидан Ўзбекистон Республикасига этап қилиб олиб келтириш билан боғлиқ сарфланган 25.272.996 сўм ҳаражатларни судланувчи И.Абдусаломовдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462-463, 467-468, 471-473 ва 476-моддаларига асосланиб, суд

х у к м қ и л а д и:

Абдусаломов Искандар Абдурахмон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбдор деб топилсин.



Абдусаломов Искандар Абдурахмон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан 2022 йил 30 июндан 2022 йил 14 декабрга қадар қамоқда сақланган 168 кунни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 1 йил 4 ой 24 кунига тенглаштирган ҳолда, тайинланган жазодан чегириб ташланиб, ўташ учун иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 8 (саккиз) ой 6 (олти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазони мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини таъминлаш Фарғона вилояти, Фарғона тумани ИИБ зиммасига юклатилсин.

Абдусаломов Искандар Абдурахмон ўғлига нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, у дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Иш бўйича жабрланувчи Ғ.Қўшақовга етказилган моддий зарар тўлик қопланганлиги эътиборга олинсин.

Иш бўйича этап қилиб олиб келтириш билан боғлиқ сарфланган ҳаражатлар учун Абдусаломов Искандар Абдурахмон ўғлидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги фойдасига 25.272.996 сўм ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

Х.Холиқов

нусхаси аслига тўғри:

